



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 214 (17.794)

16 сентябрь 1980 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА!

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» МЕХНАТ ШУХРАТИ МИНБАРИ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Хоразм вилояти Хонка районидаги Ленин орденли Озунбобов номи колхоз меҳнат эҳли давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик планни муддатидан анча илгари ошириб бажарди. Беш йилликнинг ўтган даври ичида тайёрлов пунктларида 36.410 тонна «оқ олтин» етказиб берилди, ҳосилдорлик эса гектар ҳисобига 47 центнерга кўтарилди.

Азамат пахтакорлар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига мусобақани кучайтириб, якуновчи йилда 1.865 гектар майдонда «оқ олтиндан» миллион кўрилмаган юқори ҳосил етиштиришди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобида қараганда, колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ахмеджон Юсуповнинг юқори ҳосил билан айтишча, якуновчи йилда ҳосилдорлик камида 53 центнерни ташкил этади. Шундан қилиб, ҳужалик



К. Отаев фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СУВОРИЛАР ПАХТАЗОРДА

Уйчи районидagi «Гулсиз» совхозининг меҳнаткорлари Наманган областида биринчи бўлиб ҳосилни машиналар билан териб олишга киришдилар. Улар пахтазорларга 18 та «зангори кема»ни олиб чиқаришди.

Хўжалик меҳнаткорлари «Хар 10 тонна пахтадан 9 тоннасини машиналар билан териб олишга» дея сўз бердилар. Теримнинг биринчи кундаёқ меҳнаткор Орифжон Нуридинов ўз агрегати билан 15 тонна «оқ олтин» бутиди. Унинг мусобақадор дўстлари Неъматжон Гафиев ва Рустам Шодоновлар 12 тоннадан пахта теришга эришдилар.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ ЮТУҒИ

Қизилтепа районидagi қўриқ 3-совхоз меҳнаткорлари ҳосилни машина билан териш йиллик планни муваффақият билан бажардилар. Дала гвардиячилари агрегатлар билан 270 тонна «оқ олтин» туқдилар. Ҳозир бу ерда мажбурий ҳисобига пахта терилмоқда. Меҳнаткорлар ҳар кун агрегатлар ёрдамида йиллик планнинг 4—5 проценти гача пахта термоқдалар. Улар яна 150 тонна хом ашё теришга қарор қилдилар.

1000 ТОННАЛИК ХИРМОНГА КЎЗЛАБ

Кеча Ромитан районидagi «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг таъинланган пахтакори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Сўбхон Рамазовов бошлиқ бригадаси йиллик планни бажарди. Бригада заршунослари ҳар гектар ердан 35,4 центнердан дурдона териб олдилар.

Бригада аъзолари давлатга яна 690 тонна хом ашё топшириб, янги ҳосил миқдорини 1000 тоннага, гектарлар ҳосилдорлигини 65 центнерга етказишга қарор қилдилар.

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК

Ўтган кун республика бўйича 81,2 минг тонна, шу жумладан 3,4 минг тонна илгичка толали пахта териб олинди. Мавсум бошидан буён қабул пунктларига 635,3 минг тонна хом ашё, шу жумладан 34,5 минг тонна илгичка толали пахта жўнатиildi.

Республикада ҳосилни машина билан териб олиш суръати жадаллашяпти. Ўтган кун машиналар бункеридан 14,6 минг тонна, мавсум бошидан буён эса 50,4 минг тонна «оқ олтин» бутиди.

Ўзбекистон пахтакорларининг мусобақасида ҳамон Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона областининг заршунослари пешқадамлик қилишмоқда.

МЕХАНИЗАТОРЛАР БАЙРАТИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги номи ва «Дўстлик» совхозларининг меҳнаткорлари Андижон области Комсомолбод районида биринчи бўлиб машина теримига киришдилар.

Кеча В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги номи совхоз пахтакорлари эл хирмонида 185 тонна «оқ олтин» армузон етдилар. Бу, йиллик планнинг 6 проценти ташкил этади.

Бугун районнинг бошқа ҳўжаликларида ҳам машина терими ёлпасига бошланади. Район далаларида совиғанга 250 та «зангори кема»ни брандиртирган 28 та терим-транспорт отрядлари ишлайди.

БИР ЙИЛДА УЧ ЙИЛЛИК ПЛАН

Тўрғўй районидagi «КПСС XXV съезди» совхозининг Отабек Юсубов бошлиқ бригадаси аъзолари Қорақалпоғистон АССРда биринчи бўлиб йиллик планга таъйинланган бўлиб бажардилар. Бу бригада бундан

САЛОМАТ МИРЗАЕВА ПЕШҚАДАМ

Фарғона вилояти Қўва районидаги «Коммунизм» колхозининг Раҳим Мақсудов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» ҳосил кўтаришга сўз бердилар.

Коллектив аъзолари ҳар кун йиллик топшириқнинг 3—3,5 проценти миқдорда пахта топширишмоқда. Мавсум бошидан буён йиллик топшириқнинг 45,4 проценти миқдорда пахта тайёрланди.

Бригада пахтакорлари мусобақасида чевар теримчи Саломат Мирзаева пешқадамлик қилмоқда. У ҳозиргача қариб 5 тонна пахта терди. Чевар теримчи мавсум охирига қадар яна 10 тонна дурдона теришга сўз берган. Саломат ҳар кун камида 250 килограмдан пахта теришга эришяпти.

ХЎЖАМҚУЛ РУСТАМОВ: 300 ТОННА!

Ленин йўли районидagi Будённый номи совхоз меҳнаткорлари Хўжамқул Рустамов шу кунга қадар ўз агрегати билан 300 тонна «оқ олтин» терди. У ҳар кун «пўлат этакдан» 20 тоннагача «оқ олтин» туқмоқда. Пешқадам меҳнаткор бу йил мавсумда 620 тонна хом ашё теришга сўз берган.

ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ

Жиззах вилояти Оқтоғи районидagi Алексеевский номи совхозда қўриқда етиштирилган дастлабки ҳосил териб олинди. Абдураҳим Тўйчиев бошлиқ бригадасидан 40 гектарлик даладидан 4 тонна «оқ олтин» териб олинди. Бу — йиллик топшириққа тенг даладир. Чўлуварлар мавсум охиригача давлатга планга қадар қабул пунктларига яна шунча пахта жўнатишга қарор қилдилар.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ОЛИМ, МУТАФАККИР, БУЮК ИНСОНГА

15 сентябрь кун Тошкентда ўрта аср алломаси туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган кўрғазма очилди. Ўзбекистон расмлари, графикалари, ҳайкаллари, ўймакор усталари, театр ва кино расмларининг кўрғазмага тақдим этган асарларида Абу Али ибн Сино образи мута-

факкир, табиб, ўзгаларнинг азоб-укубатларини юрак кўри билан қабул қилувчи, халқ донишмандлигининг тасмолли сифатида намоён бўлган.

Н. Қўзибоевнинг «Илалатини қутулган» ва Ж. Умарбековнинг «Ақл-заковатли одам» деб аталган полотноларида, Т. Назаровнинг трип-

тихда Ибн Сино «шифокорлар устози» сифатида тасвирланган. Унинг тадқиқотлари асрлар оша, ҳозир ҳам одамларга хизмат қилмоқда. К. Носировнинг «Муновара» картинасида Ибн Сино душманлар қурбонига бўлишга қарамай, ўз фикр ва наратиларини ошқорла айтиш ва ҳи-

моғ қилишдан қўрқмайдиган олим сифатида асқ этган.

Ибн Синонинг линографияси, унинг тош ва гангача, мисга ўйиб иланган ҳайкаллари кўрғазмага қўйлаб қўйилган. Бу ердаги асарларнинг қўли олим юбилейига таъйинланган ёдгорликларнинг моделлари.

НИГИМ-ТЕРИМ
ИШЛАРИ ҚИЗГИН
ТУС ОЛМОҚДА

ЧОРВАДОРЛАР ВА
СОХИБКОРЛАР
ҲИММАТИ

ИЛҒОР ХЎЖАЛИКЛАР
ИБРАТИ

ЧЎЛҚУВАРЛАР
ЮТУҒИ

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Калинин райони деҳқонлари КПСС XXVI съездининг меҳнат мусобақасида совғалар билан кўтиб олиш учун мусобақани тобора авж олдириб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрқот Л. И. Брежневнинг Қозғоғистон ССР ва Қозғоғистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан Олмаотода ўтказилган тантаналар чоғида сўзлаган нутқида қўйган вазифаларини адо этиш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Район сабзавоткорлари давлатга қартошка сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларини ҳам муддатидан олдин, шу йил 15 сентябрь кун муваффақиятли бажардилар. Давлатга жами 9 минг 500 тонна қартошка етказиб берилди. Бу — маҳсулот тайёрлаш йиллик ҳажмига нисбатан 1300 тонна кўп даладир. Шунингдек, район давлатга сабзавот ва ҳўл мева сотиш йиллик планлари ҳам муваффақиятли бажарилади.

Эришилган ютуққа Оржоникидзе номи, Партия XX съездининг номи, «Москва» колхозлари, Партия XXI съезди номи, «Хасков» совхозларининг меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишнинг кўпайтиришга асосан экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳисобига эришилмапти.

Район меҳнаткашлари ўзун ва полиз маҳсулотларини йиғиб олиш ва давлатга топшириш суръатини ҳам тобора тезлаштирмоқдалар.

Чорвадорлар эришяётган ютуқлар ҳам қувончли. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш суръати ҳам йиллардагига қараганда анча яхши. Ҳўл топширилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 525 килограммин, қўйларнинг ти-

рик вазни 55 килограммин ташкил этмоқда. Ҳар бир сиғирдан ўтган саккиш ой мобайнида соғиб олинган сўт 2864 килограммданга айланган, ҳар бир товуқдан 139 тадан тухум олинган. Чорвадорлар қишлоқга тайёргарликни қизитиб юбордилар.

КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кўтиб олиш учун ўтказилган қишлоқ йиллик планини бажаришга бундан анча кўп вақт талаб қилинган бўлишига қарамай, 15 сентябрь кун бажарилган. Ил бошидан бундан давлатга 2450 тонна гўшт сотилди. Бу бугун ўтган йилдагига нисбатан 600 тонна кўпдир. Район чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна охиригача давлатга яна камида 300 тонна гўшт сотишга, сўт тайёрлаш беш йиллик планини 15 декабрдан бажаришга қарор қилдилар.

Районда дон, пилла, тухум, қоракўл тери, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, ўзун тайёрлаш беш йиллик планлари ҳам муваффақиятли равишда бажарилиди. Пахта тайёрлаш планини 10 октябрдан, социалистик мажбуриятини эса Улғу Октябрьнинг 63 йиллигигача бажариш мўлжаллаб қўйилди. Давлатга камида 80 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан 10 минг тонна илгичка толали пахта сотилади. (ЎзТАГ).

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ АСОСИДА

Қон айланшига қўмак бериш масалаларига бағишланган биринчи Бутунитиёф симпозиуми 14 сентябрь кун Ўзбекистон пойтахтида ўз ишнини тамомлади. Симпозиум қатнашчилари қабул қилган тасвирлар диктат-этиборни янги методларни клиника практикасида қўлланишни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратади. Шифокор-олимлар ҳозирги замон-медицинада ана шу ақтуал йўналишнинг аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар, иш тақрибларини ўртоқлашдилар.

СССР медицина фанлари академиясининг муҳбир аъзоси В. И. Шумаков симпозиумга яқун ясади. У юрак-қон томир касалликлари билан курашда совет медицинасининг ютуқларини, Ўзбекистон шифокорларининг даволашда эришган ютуқларини ўзлаштиришга қўшаётган катта ҳиссасини таъкидлаб ўтди. (ЎзТАГ).

ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

25 сентябрдан 1 октябргача Ўзбекистонда ўтказилган байрам совет музикаси Бутунитиёф фестивалида Москва, Ленинград, иттифокдош республикаларнинг таъинланган бадиий коллективлари ва солистлари, машҳур композиторлар, қўшиқ дўзчи шоирлар қатнашдилар. Бўлажак санъат байрамини тайёрлаш ва ўтказиш таъинланган комитетининг 15 сентябрь кун бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда хабар қилинди. Байрам КПССнинг XXVI съездида бағишланади.

Фестиваль таъйинланганнинг бориши тўғрисида республика миносиликлари ва идоралари, Композиторлар союзи раҳбарларининг ахборотлари тингланган. Бу байрам Тошкентда бошланиб, Ўзбекистоннинг барча областида марказларда, қўшма шаҳарларида давом этади. Байрам қатнашчилари республикадаги саноат корхоналари, мазҳаб ва совхозларнинг меҳнатчилари билан уярашадилар. Бутунитиёф фестивали меҳнатшаворлиги маънавий ва интернационал руҳда тарбияланган соҳасида муҳим роль ўйнаши, совет халқлари миллий маданияти билан буён ҳам ўзаро боғлиқлиги ишга хизмат қилиши доимлиги мажлисда қайд қилиб ўтилди. (ЎзТАГ).

ҲАЁТДА АКТИВ ПОЗИЦИЯДА ТУРИШНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

15 сентябрь кун Тошкентда республика илмий-амалий конференцияси иш бошланди. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитети ўтказган бўлиб конференция ешларини ахқий тарбиялашнинг ақтуал проблемаларига бағишланди.

Конференция программасида энг муҳим тарбиялашнинг ақтуал масалалари юзасидан докладлар қилиш ва ахборот бериш қўзда тутилган. Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари доклад қилдилар ва ахборот беришлар. Конференция ишида қатнашган ушун Тошкент, Ленинград ва мамлакатлардан республикалардан қўшма бўлиб илмий марказларнинг олимлари қатнашмоқдалар. (ЎзТАГ).

КАСБИМИЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Ҳаётимизда доний кўпайтириш, чорва моллар озунга бўласини мустаҳкамлашга қўлимиздан келган ҳиссамизни қўшидик. Айни кунда экин ерларимизни шудорлаб, келас йил катта хирмонга эришмоқчимиз.

Бригадани аъзолари олдинда гошда муҳим яна бир вазифа турибди. 75 гектар ерда пахтадан юқори ҳосил етиштириш, гектардан 40 центнердан қўл дурдонасида тайёрлашга сўз берганмиз. Ҳосилмиз юксак мажбуриятимизни қоплашга етиб олади. Ленин пахта чопқоларда турибди, уни тевроқ йи-

ришда қўмаклашиш билан бажарамиз. Умуман мавсумда бункерлардан 800 тонна юқори сорт пахта туқамиз.

Ваъда вафоси билан гўзал. Дефоляцияни сифатли ўтказдик, барг тузилди, қўсақлар ёлпасига очилди. Фурсатини ганимат қилиб «зангори кема»ларимизни далада олиб чиқдик, ҳар бири билан кунга 5—6 тоннадан пахта терилган. Яқин кунларда қўшма суръатини 8—10 тоннага кўтарамиз, анимизга олган мажбуриятимизни бажаришга, районимиз, областимиз ишюста олган маррасига еткунга қадар суръатини сўсатишмаймиз.

Энвер СУЛАЙМОНОВ, Жиззах области Зарбдор районидagi «Прогресс» совхози комплекс меҳнат-таълим бригадаси бошлиғи.

